
Сизга ташаккур, хурматли Президент!

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг таълим соҳасида олиб бораётган оқилона сиёсати, устозларга бераётган алоҳида эътибори мен ва мен каби устозларни бениҳоят қувонтиради.

Мен Одинахон Юлдашева, бир қишлоқ ўқитувчиси, Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 65-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатида ёш авлодга информатика ва ахборот технологиялари фанидан дарс бераман.

Хозирги кунда юзлаб шогирдларим жамиятимизнинг турли соҳаларида IT бўйича фаолият олиб борилмоқдалар. Айти кунларда шогирдларим “Бир миллион ўзбек дастурчилари” лойиҳасида фаол қатнашиб, IT соҳасида билим орқали хунар эгалламоқдалар.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳага бераётган алоҳида эътибори, ёшларга қилаётган ғамхўрлиги таҳсинга сазовордир.

Шу йил, 8 март Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида давлатимиз раҳбари фармонида мувофиқ “Дўстлик” ордени билан тақдирланганим мен учун энг улкан бахтлардан бири бўлган бўлса, кеча президентимизнинг азиз ўқувчи-шогирдларимиз, битирувчи ўғил-қизларга йўллаган табрикларини ўқиб, яна бир бор кўксим ғурур ва ифтихорга тўлди.

Бундай эътибор ва ғамхўрликларга жавобан биз устозлар учинчи ренессанс пойдеворини қуришда, келажак Берунийлари, Хоразмийлари, Фарғонийлару, Бухорийлари каби алломаларни камол топишида юртбошимиз билан елкама-елка туриб, янада астойдил меҳнат қилишга, ёшларга илм-маърифат улашишга ваъда берамиз.

Одинахон ЮЛДАШЕВА

**Ўзбекистон туманидаги 65-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим
мактаб-интернати ўқитувчиси**

2021-05-25 18:02:17